

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ АВТОТРАНСПОРТ  
ВОСИТАЛАРИНИ ЎҒИРЛАШ ВА ОЛИБ ҚОЧИШ ЖИНОЯТИНИ  
ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура  
тингловчиси. Сулаймонов А.К.*

***Таянч нушунчалар:** илгари судланган, рецедив жиноятчи шахс, жиноятчилик сабаблари, жиноятчи шахс, ижтимоий ва ҳуқуқий омиллар, ижтимоий руҳий-муҳит, жиноятнинг даражаси, тузилиши, динамикаси.*

***Аннотация.** Мақолада Ички ишлар органлари автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни ташкил қилиш бўйича фикр ва мулоҳазалар билдирилган.*

**ВНУТРЕННИЕ ДЕЛА ОРГАНИЗАЦИЯ УГОНОВ  
АВТОМОБИЛЕЙ И ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ СКРЫТЫХ  
ПРЕСТУПЛЕНИЙ**

***Основные понятия:** ранее судимый, преступник-рецидивист, причины преступности, криминальные, социальные и правовые факторы, социально-психологическая среда, уровень, структура, динамика преступности.*

***Аннотация.** В статье изложены мнения и соображения органов внутренних дел по организации профилактики преступлений, связанных с кражами и угонами автомобилей.*

Ички ишлар органлари автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни ташкил қилишда тергов, профилактик ва тезкор-қидирув фаолиятининг шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи шахслар, ҳодисалар, ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар

тўғрисидаги маълумотларни тўплашга оид охирги вазифаси ахборот тўплаш бўлиб, бу вазифа тегишли ўтказиш ҳамда яширин тарзда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ёрдам берувчи шахслар кўмагидан фойдаланиш орқали ташаббусли тартибда мазкур маълумотларни тўплашни камраб олади.

Ички ишлар органлари автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни ташкил қилишда уларни амалга ошириш усуллари ушбу фаолиятнинг жиноятчиликка қарши кураш бўйича давлат чоралари тизимидаги ўрнини белгилаб беради<sup>1</sup>. Тергов, профилактик ва тезкор бўлинмалар иштирокида амалга ошириладиган автотранспорт воситаларининг олдини олишни ташкил этишда замонавий усулларни фақат автотранспорт воситаларининг олиб қочиш, ўғирлаш жиноий кўринишларнинг олдини олиш ва уларни фош этишга қаратилган аниқ тадбирлар мажмуи сифатида тасаввур қилиб бўлмайди. Автотранспорт воситаларининг қидирувини ташкил этиш барча давлат органлари томонидан амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маъмурий ва бошқа чораларнинг мураккаб мажмуидир<sup>2</sup>.

Ички ишлар органлари автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни ташкил қилишнинг кўп жихатлардан вужудга келган тергов вазиятига боғлиқ.

Ички ишлар органлари автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни ташкил этиш учун жабрланувчини сўроқ қилиш ва сўроқ вақтида қуйидагилар аниқланиши лозим: олиб қочиш қачон содир этилган; олиб қочиш қандай ҳолатларда аниқланган; олиб қочилган автомашина тури, кўриниши, номери, двигатели, шасси ва бошқа қисм номерлари; автомашина қаердан олиб қочилган; у қандай ҳолатда эди, эшиклари беркитилганми, қўшимча беркитувчи воситалар мавжудми;

---

<sup>1</sup>Бахарев А.В. Криминологическая характеристика и предупреждение краж и угонов автотранспорта органами внутренних дел: Дисс. канд. юрид. наук. – М., 2008.-204 с.

<sup>2</sup>Петраков А. П. Деятельность следователя по розыску автомобилей, ставших предметом неправомерного завладения: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. ( № 1999 ) –24с.

уларни ишлатиш принциплари қандай; жабрланувчи жиноятчини кўрганми; агар кўрган бўлса унинг белгилари қандай, олиб қочилган автомашинада у қайси томонга қараб беркинди; агар жиноятчини кўрмаган бўлса, унинг фикрича уни ким содир этилиши мумкин; автомашинадаги жабрланувчининг қандай буюмлари ёки хужжатлари бор эди<sup>3</sup>.

Ички ишлар органлари автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни самарали ташкил қилиш учун сўроқ қилиш давомида қуйидагилар аниқланади. Айбланувчининг ҳаёт кечириш тарзи, автотранспорт воситалари билан қизиққанлиги, автомашина, мотацикл ва бошқаларда уйига, таниш билишлари олдига, ишига келганми, қачон транспорт воситасини ўзи ёки унинг ўртоқлари бошқарганми. Айбланувчи транспорт воситасини эҳтиёт қисмларини ёки маълум деталларини олиб келганми, аниқ қайсиларини, қаерда сақлаган. Таниш билишларнинг доираси айбланувчи транспорт воситасини эҳтиёт қисмларини ёки унинг деталларини сотишга таклиф қилганми ва қанча нархда, айбланувчининг жиноий фаолиятдан терговчига нима маълум бўлган.

Ички ишлар органлари автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни ташкил этишда олиб қочилган транспорт воситаларини тезда топиш чораларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

ИИО автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни самарали ташкил қилиш учун ИИБ штаби қидирув ишлари режасини тусиқ чораларини ишлаб чиқиш лозим. Улар қуйидагилардан иборат бўлади: кидиралаётган транспорт воситасини ҳаракатланиши мумкин бўлган йўналиш-чизмаси, ИИОнинг шу йўналишидаги барча кучларини огоҳ қилиш, шу йўналишларда қўшимча патруль ва постлар қўшиш тартиби, тезкор ва тезкор-қидирув гуруҳ терговчилари иш тартиби ( улар транспорт воситасини беркитиш мумкин бўлган жойларни

---

<sup>3</sup>Матчанов А.А. Криминалистическая методика расследования угонов и хищений транспортного средства путем кражи и грабежа. Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2008. – 126 б.

аниқлашади ва қидиришади)<sup>4</sup>.

ИИБ нарядлари олиб қочиш хабарини эшитишганда:режада кўрсатилган йўналишларни беркитишади,олинган ахборотга биноан харакатланаётган транспортларни кўздан кечириб, кузатишади,транспорт воситасини тўғидан тўғи тўхтатишни амалга оширишда бу вақтда улар махсус техник воситалардан фойдаланишади.

ИИО автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни ташкил этишда олиб қочилган тиранспорт воситасини қидириш жиноят қидирув, профилактика ва йул транспорт патруль хизмати бўлинмалари орқали амалга оширилади<sup>5</sup>. Бу вақтда:олиб қочилган транспорт воситаси хақида ва уни қидириш тўғисида бўлинмаларига хабар берилади,олиб қочиши мумкин бўлган шахслар тўғисида ва транспорт воситаси айна вақтида бўлиши бўлган жойлар тусмоллар қилинади,ИИБ ва бошқа хизматлар имкониятлари фойдаланилади,транспорт воситаларини таъмирлаш билан шугулланувчи шахсларни, деталъ ва агрегатларни олиб сотиш билан шугулланувчи кишиларни илгари олиб қочиш жинояти учун судланган шахслар аниқланади,жабрланувчининг қариндошлари кўшнилари, бирга ишловчилар, корхона рахбарлари суриштирилади,олиб қочилган транспорт воситасини сақланиши мумкин бўлган жойлар кўздан кечирилади.

Тинтув жиноятчидан машина калитларини, жиноят содир этиш курулларини машина эгаси хужжатлари ва буюмларини топиш ва олиб қўйиб мақсадида қилинади<sup>6</sup>. Транспорт воситасини кўздан кечириш биринчи навбатда унда жиноятчи қолдирган изларни (оёк кийими, бармоқлар қолдиқлари) аниқлаш мақсадида қилинади.

---

<sup>4</sup>Жулев В.И. Расследование дел об угонах и кражах автотранспорта / В.И. Жулев, В.Г. Баяхчев. Изд-во БЕК. - М., 2003. - 549с.

<sup>5</sup> Зотов Б.Л. Расследование и предупреждение автотранспортных преступлений / Б.Л. Зотов. Изд-во МИР. - М., 2001. - 387с.

<sup>6</sup>Рузметов Б.Х. Выемка и обыск на предварительном следствии: состояние, тенденции и перспективы: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2008. – 24 с.

Агарда ушланган шахс олиб қочишда иштирок этганини қатъиян рад этса бу холда унинг машинада бўлишга таалукли барча кеўрсатмалари ёзиб олинади. Агарда ушланган шахс олиб қочишда иштирок этганига икрок бўлса, ундан қўйидаги нарсалар аниқланади: машина қандай мақсадда олиб қочилган, қандай усул билан, бошқа шериклаври бор йўқлиги, шериклар мавжуд бўлса, уларнинг роли ва айти вақтда улар каердалиги, у ва шериклари бошқа транспорт воситаларини олиб қочганми, агарда бошқа олиб қочишлар бўлган бўлса, угрилган транспорт воситалари айти вақтда каерда, улар кимга сотиларди ва х.к<sup>7</sup>.

Сухбат чоғида туманда худудда содир эталаётган автоматотранспорт ўғирлигига ва олиб қочиладган жиноятлар ҳақида ҳамда ўғирлик ҳақида батафсил ахборотлар бериб борадилар. Айтикса бундай ишларни ёшлар ўқув юртларида, ёшлар, ишчилар ётоқхоналарида, ёшлар клубларида олиб бориш самарали натижа беради.

Амалиётни кўрсатишича автоматотранспортларни ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятларини содир қилишга қарши шахсий профилактика ўтказиш объектлари қўйидагилар: ушбу тур жиноят бўйича муқаддам судланганлар; автоматотранспорт эҳтиёт қисмларини ўғирлаш, автоматотранспорт воситаларини йўқ қилганликлари учун муқаддам судланганлар; ўғирлик, босқинчилик, безорилик учун судланганлар, шахсий транспорти борлиги ёки транспортни ҳайдашни билиши; ҳайдовчилик ёки унга яқин касбли автослесер, автомеханик, ремонтчи, кузовчи шахсларнинг ҳаёт тарзи, шундай жиноятларни содир этиш имкониятига эгаллиги; вояга етмаганлар ва ўсмирлар (ўқимайдиган, ишлама йдиган) транспортга қизиқиш бўйича гуруҳлар ташкил қилиш; яширин уйда ремонт қилувчилар, эҳтиёт қисм сотувчилар ва сотиб олувчилар; ноқонуний транспортда одам ташувчилар<sup>8</sup>.

---

<sup>7</sup> Матчанов А.А. Криминалистическая методика расследования угонов и хищений транспортного средства путем кражи и грабежа. Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2008. – 126 б.

<sup>8</sup> Шайбазян Л. Г. Правовые меры борьбы с угоном транспортных средств (уголовно-правовой и криминологический аспекты): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1997. – 22 с.

Бундай объектлар ҳақида ИИО ходим ҳар хил йўллар билан тезкор фаолияти усуллари орқали тадбирларини ўтказиш чоғида маълумотлар олади.

ИИО автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни ташкил қилишда ИИО ходим жиноятни ният қилганлигини ёки унга тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида маълумот олиш билан уни ҳақиқийлигини ИИО фаолиятини кучлари, воситалари ва усуллари ёрада текшириб кўради<sup>9</sup>.

У маълумот тасдиқланса, тезкор ходим жиноий мақсаднинг жиноятга тайёрланиш босқичига ўтмаслигига ҳаракат қилади, яъни жиноят содир этилишига йўл қўймасликнинг ҳамма чораларини кўради.

ИИО автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни ташкил қилишда ходимлар профилактик чораларни кўриб, уни жиноятга тайёрланишидан қайтаради. Албатта бу жараён ундай шахснинг яқин танишлари, қариндошлари орқали амалга оширилади.

Ички ишлар органлари автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни ташкил қилишда жиноят содир қилмоқчи бўлган гуруҳ ҳақида тезкор ходим маълумот олса, унда гуруҳни тарқатишга қаратилган тегишли тадбирлар ўтказилади, бу гуруҳни ташкилотчиси ва бошқа фаол аъзоларини зарур бўлган ҳолатларда ушлайдилар, уларни жиноят содир этишга йўл қўймайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида ички ишлар органларининг вазибалари, 16-моддасида ички ишлар органларининг мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган.<sup>10</sup> Ушбу қонунга асосан ИИО автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни ташкил қилишда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари,

---

<sup>9</sup> Нагаев Е. Угон и кража автотранспорта: вопросы разграничения составов преступлений / Е. Нагаев // Российская юстиция. - 2000. - №8. - С.24-25

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги 407-сонли қонуни.

жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани ҳимоя қилишдан иборат вазифалар белгиланган. Ўзгалар мулкани талон-тарож қилишдан жабрланган шахсларнинг жабрланиб қолиши билан самарали курашиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш, ушбу жиноий ҳодисани келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганишни, виктимологик тавсифлашни тақозо этади.

Ҳозирги кунда ИИО автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни ташкил қилиш уч йўналишга: 1) жиноятларнинг олдини олиш; 2) содир этилган жиноятлар учун жазо муқаррарлигини таъминлаш; 3) ушбу жиноят учун белгаланган жазонинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ комплекс тадбирларга ажратилишини инobatга олганда ички ишлар органлари ходимлари зиммасидаги вазифалари доирасида ушбу йўналишларнинг барчасини таъминлашда бевосита иштирок этиш имкониятига эгаллиги билан ўз афзалликларига эга бўлган ноёб тизимдир<sup>11</sup>.

ИИО автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни ташкил қилишни самарали ташкил этиш учун тайёрланаётган ва содир этилаётган ҳамда содир этилган жиноятларни аниқлаш, баргараф этиш ва фош этиш бўйича тезкор қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш катта аҳамиятга эга<sup>12</sup>.

Бундан ташқари ИИО автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни ташкил қилишни бошқариш механизмини такомиллаштириш ва бу борада профилактик тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш ва уларда фуқароларнинг иштирокини кучайтириш лозим.

Мазкур бошқариш асосларини Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунига киритиш мақсадга мувофиқ. Бу борада ИИО тизимидаги ўта марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш лозим. Ички ишлар органларини

---

<sup>11</sup> Мухитдинов А.А., Пулатов Ю. С. Организационно-тактические основы раскрытия краж и угонов транспортных средств / А. А. Мухитдинов, Ю.С. Пулатов. – Душанбе: «ЭР-граф», 2018. – 304 с.

<sup>12</sup>Ўша ерда

бошқариш тизимини такомиллаштиришда ички ишлар органларининг вилоят, туман ва шаҳар бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функцияларни аниқ ва оптимал тақсимлаш, ташкилий-штат тузилмалари куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Бу борада аввало ваколатлар тақсимотини қайта кўриб чиқиш лозим, куч ва воситаларни бошқариш, қарорлар қабул қилиш, кадрлар билан ишлаш (хизматга қабул қилиш, махсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум этиш, лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш ва ротация, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ходимнинг бошқа давлат органлари ва ташкилотларига сайланганида (тайинланганида, сафарбар этилганида) хизмат ўташи, аттестация ўтказиш, таътиллар бериш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, хизмат ўташ режимини таъминлаш, хизмат муддатларини узайтириш, хизматдан бўшатиш ва хизматга тиклаш), хўжалик шартномаларини имзолаш каби масалаларда қуйи бўғинларнинг ваколатларини кенгайтириш зарур.

ИИО автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни ташкил қилишда бошқарув тизимини рақамлаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш. ИИО тизимида ахборот технологияларни жорий этиш концепциясини ишлаб чиқиш ва унда ички ишлар органлари фаолиятини рақамлаштириш соҳа ва йўналишларини, шунингдек ахборот технологияларни тўлиқ жорий этиш босқичларини белгилаш ҳамда ички ишлар органлари тизимида локал тармоқлар ва ягона ҳимояланган корпоратив тармоқни ривожлантириш ички ишлар органларини рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш учун телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш<sup>13</sup>.

ИИО автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни самалари ташкил қилиш учун мутлақо янги механизмларини жорий этиш учун хорижий давлатларнинг ижобий

---

<sup>13</sup>Бахарев А.В. Криминологическая характеристика и предупреждение краж и угонов автотранспорта органами внутренних дел: Дисс. канд. юрид. наук. – М., 2008.-204 с.



тажрибаларини олиб, тизимга жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади ва бу албатта ўз самарасини беради.

Замонавий ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, ИИО автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини барвақт олдини олишни ташкил қилиш учун қонун ҳужжатларида ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг функцияларини аниқ белгилаб бериш мазкур вазифаларнинг мазмунини бир хилда тушуниш ва чуқур англаб этиш, ижросига батафсил ва тизимли ёндашиш ҳамда пировардида уларни самарали таъминлашга хизмат қилади<sup>14</sup>.

Қонун ҳужжатларида автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни самалари ташкил қилиш туман, шаҳар ички ишлар органлари профилактика, жиноят-қидирув хизматларига бир қатор вазифалар юклатилган бўлиб, буларга:

– хизмат ҳудудида тезкор-криминоген ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни доимий кузатиб бориш, маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш;

– жиноятларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган тергов, тезкор қидирув, профилактик тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш;

– жиноят содир этишга мойил шахслар билан тегишли тезкор-қидирув ва профилактик тадбирларни амалга ошириш;

– тайёрланаётган, содир этилаётган ҳамда содир этилган автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва очиш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш; ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда уларни фoш этиш юзасидан тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш кабилар киради.

Албатта ҳар бир ҳудудни ўзининг тузилиши ва аҳолини яшаш тарзидан, ҳудудларда автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш

---

<sup>14</sup> Ким Е. Р. Криминологическая характеристика и предупреждение краж и угонов автомобилей и иных транспортных средств: По материалам Дальневосточного региона: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Иркутск, 2006. - 21 с.

жиноятини олдини олишни самалари ташкил қилиш аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда барча зарур куч ва воситаларни жалб қилинадиган бўлса бу албатта ўзини самарасини беради.

ИИО автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни самалари ташкил қилишда ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

ИИО автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олишни самалари ташкил қилишга таъсир қилаётган омиллар ҳамда криминоген ва ижтимоий вазият таҳлилига асосан мавжуд куч ва воситаларни самарали тақсимлашнинг аниқ мезонларини ва талабларини ишлаб чиқиш лозим.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, автототранспортларни ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятларини олдини олишда ўтказиладиган тергов профилактик ҳаракатлари, тезкор қидирув тадбирини ўз вақтида амалга ошириш жиноятларининг миқдорини кескин камайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам юқорида таъкидланганидек ҳар бир тезкор-тактик усул ва воситаларини туғри қуллаш ва уларни такомиллаштириб бориш жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишнинг энг долзарб муаммоси эканлигини ёдда тутиш лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бахарев А.В. Криминологическая характеристика и предупреждение краж и угонов автотранспорта органами внутренних дел: Дисс. канд. юрид. наук. – М., 2008.-204 с.
2. Петраков А. П. Деятельность следователя по розыску автомобилей, ставших предметом неправомерного завладения: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1999. –24с.

3. <sup>1</sup>Матчанов А.А. Криминалистическая методика расследования угонов и хищений транспортного средства путем кражи и грабежа. Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – 126 б.
4. Жулев В.И. Расследование дел об угонах и кражах автотранспорта / В.И. Жулев, В.Г. Баяхчев. Изд-во БЕК. - М., 2003. - 549с.
5. <sup>1</sup> Зотов Б.Л. Расследование и предупреждение автотранспортных преступлений / Б.Л. Зотов. Изд-во МИР. - М., 2001. - 387с.
6. Рузметов Б.Х. Выемка и обыск на предварительном следствии: состояние, тенденции и перспективы: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2008. – 24 с.
7. <sup>1</sup> Матчанов А.А. Криминалистическая методика расследования угонов и хищений транспортного средства путем кражи и грабежа. Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – 126 б.
8. Шайбазян Л. Г. Правовые меры борьбы с угоном транспортных средств (уголовно-правовой и криминологический аспекты): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1997. – 22 с.
9. <sup>1</sup> Нагаев Е. Угон и кража автотранспорта: вопросы разграничения составов преступлений / Е. Нагаев // Российская юстиция. - 2000. - N8. - С.24-25
10. <sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги 407-сонли қонуни.